

## “МАНОҚИБИ ҲАЗРАТИ ҒАВС УЛ-АЪЗАМ” АСАРИ ХУСУСИДА

*Кодирова Муаттар Ганижоновна, Навоий давлат педагогика институти таянч докторанты*

### ON THE THEME OF “PICTURE OF HAZRAT GAWS UL-AZAM”

*Kodirova Muattar Ganijonovna, Navoi State Pedagogical Institute  
basic doctoral student*

### «ИЗОБРАЖЕНИЕ ҲАЗРАТА ГАВСА УЛ-АЪЗАМА» СПЕЦИАЛЬНАЯ РАБОТА

*Кодирова Муаттар Ганижоновна, Навоийский государственный педагогический институт основной докторант*

**Аннотация:** Күйида келтирилган мақолада Абдулқодир Гилоний ҳақидаги янги асар, унинг ёзилиши тартиби, боблари, қисмлари тузилиши, Ҳазраттинг ҳаёт йўли шогирдлари ҳақида баён этилган. Қодирия тариқати ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** маноқиб, сулук, мазҳаб, фикҳ, тафсир, фасл, каромат, уламо.

**Abstract:** The following article describes the new work on Abdul Qadir Gilani, its composition, chapters, parts, disciplines of Hazrat's way of life. There is also information about the Qadiriya sect.

**Key words:** manoqib, leech, madhab, fiqh, tawseer, karomat, ulama.

**Аннотация:** В статье описывается новый труд об Абдул Кадире Гилани, его состав, главы, части, образ жизни учеников Хазрата. Есть также информация о секте Кадирия.

**Ключевые слова:** маноқиб, мазҳаб, фикҳ, таусир, каромат, улемы.

**КИРИШ.** Дунёнинг жуда кўплаб мутасаввуф олимлари томонидан, шайх Абдулқодир Гилоний асарлари ўрганилган ва тадқиқ этилган. Абдулқодир Гилонийнинг илмий-маънавий мероси манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган. Қодирия тариқати ҳақида кенг маълумот берувчи бир манба хусусида тўхталиб ўтамиз.

Мазкур асар 1079-1166 йилларда Бағдодда јашаган авлиё, тариқатда «Қодирия» сулукининг асосчиси, буюк мударрис Ҳазрати Ғавс ул-Аъзам

Мухйиддин Сайид Абдулқодир Гилоний ҳаёти тўғрисидадир. Насл-наслаблари ўн авлод орқали Мухаммад алайхиссаломнинг қизи Фотима Захро ва унинг ўғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнга бориб уланадиган Сайид Абдулқодир разияллоҳу анху хижрий 471 йилда Эроннинг Гилон вилоятида туғилади. Ўн олти ёшида Бағдодга бориб, илм таҳсилига берилади. Ўз даврининг улуғ олимларидан таҳсил қўриб, ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида Мадраса барпо

етиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради. «Накл қилибдурларким, Шариф Абдуллодин эшиттимки: падари бузрукворим Мұхаммад Хизр Ҳусайний Мұвсилийдинки, айтур әрдилар, пири Fавс ул-Аъзам разияллоху анху ўз мадрасаларида ўн уч қисм илмга дарс айтур әрдилар. Чунончи, илми тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ... Ва намози пешиндан кейин тиловати Қуръон қылур әрдилар, разияллоху анху».

Fавс ул-Аъзам разияллоху анху кароматда, башоратда ва фирасатда тенгсиз бир зот бўлиб, ўз замондошлари орасида “Султонул авлиё” деб эъзозланар, унинг бир умрлик мақсади кишиларни яхшилик йўлида тарбиялаш, ёмон йўлдан қайтариш, ожиз ва йўлдан адашганларга ёрдам бериш, ҳалоллик ва эзгулик учун курашиш эди.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.** Маноқиби Fавс ул-Аъзам асари, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университети профессори Мадраҳим Сафарбоев томонидан эски ўзбек тилидан таржима қилинган. Асарнинг “Маноқиби ҳазрати Fавс ул-Аъзам” Тошкентдаги И.Костелов литографияси томонидан 1898 йилда чиқарилган асл нусхасидан эски ўзбек тилидан табдил қилингани муаллиф томонидан кайд этилган.

Ушбу маноқибда Қодирия тариқати асосчиси, улуғ шайх Абдулқодир Гилоний (Жийлоний) васфи, башорату кароматлари ва ҳаёт йўли акс этган. Маноқиб тасаввуф адабиётига қизиқувчи, сўфиёна ҳикматлар ошиги бўлган кенг китобхонлар ахлига мўлжалланган.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Fавс ул-Аъзам номи билан танилган Шайх Абдулқодир Гилоний 471/1077 йилда Эроннинг Гилон вилоятида таваллуд топган. 18 ёшида илм излаб Бағдодга боради ва ўз даврининг етук уламою олимларидан таълим олиб илм эгаллади. Ёшлигидан ислом дини асосларини ва тасаввуф таълимотини ўрганади.

Маноқиби Fавс ул-Аъзам асари шайх Абдулқодир Гилоний ва қодирия тариқати ҳақида қисқача маълумотлар билан бошланган. Муаллиф М.Сафарбоев аниқ факт ва далиллар орқали Гилоний ҳаётини, унинг илм сари қўйган дастлабки қадами ва тариқатни очиб, китобхонга тушунарли тилда баён этган. Мазкур асар

муқаддима биринчи қисм ҳамда иккинчи қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмнинг ўзи тўрт бобдан, ҳар бир боби фасллардан ташкил топган. Иккинчи қисмда эса тўрт фасл мавжуд.

Муаллиф муқаддима қисмida: “**Бас, бу муқаддимадин маълум бўлдики, бу зоти олий даражотларининг сухбатлари кимиёи саодатдур ва таъсири анфослари (нафасларининг таъсири) ихён мавто ва атоё анби (ўликини тирилтириш ва узум атоэ этмок)дур.**

**Жон берур эрди нафас бирла Масих эл жамини,**

**Турфадурсен ким берурсен динга жон.**

Андан сўнг ўтиб, Бағдодни масжиди жомеъсига юз келтирдим. По барахна (оёқ яланг) эдим. Бир кимса ул ҳолатда кафш келтируб берди. Айди: “**Ё Сайид Абдулқодир, анта Мухиддин**”. Ман масжидга кириб икки ракъят намоз ўқиб, салом бергандан кейин ҳалқ манинг атрофимға якбор ҳужум қилиб айдиларким: “**Ё Мухиддин!**” Бу воқеадан илгари ҳеч кимса мани бу лақаб бирла атомай эрди.

Биринчи қисм **биринчи бобини** муаллиф Fавс ул Аъзамнинг кайфияти ахволларини зикри баёни билан бошлаган. Фасли аввал қисмida ҳазратнинг куният ва лақаблари, исм-шарифлари баёни ёритилган бўлса, иккинчи фаслда: ҳазратнинг насаби шарафлари баёни ёритиб берилган. Fавс ул Аъзамнинг суврати зоҳирларининг тафсилоти асарнинг учинчи фаслида ёритилган бўлса, тўртинчи фасл ул ҳазратнинг вужудга келганлари баёни ташбеҳланган.

**Иккинчи бобнинг** биринчи фасли “Ҳазрат Fавс ул-Аъзам разияллоху анхунинг таваллуд топмоқларини зикрида” деб номланади. Иккинчи фасл “Ҳазратнинг кичик ҳолатларидағи ахволу кайфиятлари зикрида” деб номланади. Учинчи фаслда “Ул ҳазратнинг Гилондан сафар қўймоқлари баёни” ёритилган.

**Учинчи боб** биринчи фаслини муаллиф “Ул ҳазратнинг Бағдодга дохил бўлиб илм таҳсил қўймоқлари зикрида” деб номлаган. Иккинчи фаслини “Ҳазрат Fавс ул-Аъзам разияллоху анхунинг авлиёи изом ва машойихи киромнинг зиёратлариға восил бўлмоқлари зикрида” деб номланган.

**Тўртинчи боб** аввалги фасли “Ул ҳазратни хулқларининг баёни” турур.

Иккинчи фасли Ҳазрат Ғавс ул-Аъзам (р.а)нинг майшатлари зикрида деб номлаган. Учинчи фаслга муаллиф: Ул ҳазрат (р.а)ни дарс ва фатволари баёни очиб берилган.

**Иккинчи қисм фасли аввали** “Ҳазрат Ғавс ул-Аъзам сақолайн (р.а)нинг кароматлари ва хавориқ одатлари зикрида” деб ном беради.

**Иккинчи фаслга** “Ҳазрат Ғавс ул-Аъзам (р.а) Ҳақ таоло амри била қадами ҳазо ало қабта кулл валиуллоҳ, деган зикрида” деб ном беради.

**Учинчи фаслни** “Ғавс ул-Аъзамнинг азимат (улуғлик) ва қадрлари жоҳ ва жаҳолатлари ҳамда камолотлари зикрида” деб номлаган. **Тўртинчи фасл** “Ҳазрат Ғавс ул-Аъзам (р.а) вафотлари баёнида” деб номланади.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Хулоса қилиб айттанди, Мадраҳим Сафарбоевнинг ушбу рисоласи ўзбек фалсафаси учун ноёб ёдгорликдир. Унинг топилиши ва нашр этилиши фалсафа мухлислари ва тасаввуф фани билан қизиқувчилар учун муҳим армуғондир. Рисола келажақда турли йўналишдаги илмий изланишларга манба бўлиб хизмат қиласди. Табдил қилиш маҳалида тажрибасизликка ва катта-кичик нуқсонларга йўл қўйилмаган. Мазкур китобнинг ёзилиши ва нашр қилинишига кўмак берган адиллар фалсафа фанлари номзоди, Мадраҳим Сафарбоев ва филология фанлари

номзоди Султонмирзо Раҳимов. “Маноқиби ҳазрати Ғавс ул-Аъзам” 2023 йилда “Фан зиёси” нашриётида чоп этилган.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Сафарбоев М. Маноқиби ҳазрати Ғавс ул-Аъзам. Т.: Фан зиёси, 2023. –Б180.
2. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиқлол, 1999. –Б. 61.
3. Ислом энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –Б. 226.
4. Шайх Сайид Абдулқодир Гилоний. Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннаҳр, 2005. –Б.79.
5. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Туронлик валийлар. Т.: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 8.
6. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. (Усули ашара). –Т.: Мовароуннаҳр, 2004. –264 б.
7. Kurbanbayeva, M. (2024). O'zbek xalq og 'zaki ijodiyotidaadolatli jamiyat to'g'risidagi ilk tasavvurlar ifodasi. Tamaddun nuri jurnali, 8(59), 78-81.
8. Kurbanbayeva, M. (2023). Abu Rayhon Beruniy hayotiga doir ba'zi mulohazalar. Tamaddun nuri jurnali, 9(48), 64-66.
9. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Faafur Fулом, 1999. –Б. 179.
10. Мухтаров Б. Глобаллашув жараёнида қодирия тариқати фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Т.: Bookmany print, 2022.

